

« 17 » феврал 2020 йил

№ К-114

Туман худудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2020 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида”ги 54-сонли ва 2017 йил 22 декабрдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1010-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда 2020 йилда туман худудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамаларни мажбурий техник кўрикдан ўтказишини уюшқоқлик билан, сифатли ташкил этилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Конуни б ва 25-моддаларига асосан

КАРОР ҚИЛАМАН

1. 2020 йил давомида техник кўрикни уюшқоқлик билан, сифатли ўтказиш мақсадида, туман комиссияси таркиби 1-иловага ва тумандаги юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Туман комиссияси тумандаги барча юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган ва белгиланган тартибда давлат йўл харакати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилишини таъминласин.
3. Тумандаги автобуслар, микроавтобуслар, автомобиллар, мотоцикллар ва тиркамаларни (кейинги ўринда Транспорт воситалари деб

юритилади) давлат техник кўригидан ўтказиш туман ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (А.Тошпўлатов) зиммасига юклатилисин.

4. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилиши белгилаб қўйилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар, микроавтобуслар ва ўриндиқ жойлари сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнили ва хавфли юкларни ташиш учун маҳсус транспорт воситалари ва улардаги тиркамалар – **бир йилда икки марта**;

б) ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – **икки йилда бир марта**;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган йили аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – **бир йилда бир марта**;

г) тиркамалар қўрикка транспорт воситаси – шатакчи транспорт воситалари учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

5. Транспорт воситалари **ДИХХХ** органларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, улардан фойдаланишининг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмаслиги белгилаб қўйилсин.

6. Туман ҳокимининг ўринbosари Ш.Нормўминов, туман ИИБ ЙХХГ катта инспектори А.Тошпўлатов ва туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Ғ.Қобилов

Мазкур қарорнинг 4 банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

- биринчи марта – 1 мартдан 30 июнгача;
- иккинчи марта – 1 сентябрдан 31 октябргача;

Юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги:

- 1 мартдан 30 июнгача;

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги:

- 1 январдан 31 августгача ўтказилсин.

Давлат техник кўригини сифатли ва белгиланган муддатларда ўтказиш учун муҳандис ходимлар ва мутахассислар билан биргаликда ҳайдовчи номзодларни тайёрловчи ўкув ташкилотлари ва туман Мудофаа ишлари бўлимининг ходимлари иштирок этишини таъминласинлар.

Жойларда ўтказилган техник кўрик натижалари бўйича ҳар ой якуни билан юқори турувчи идора ва ташкилотларга ёзма равишида маълумотномалар киритилсин ҳамда туман ҳокимлиги хузуридаги ҳаракат хавфсизлиги комиссияси йиғилишларида ҳар чорақда муҳокама қилиб борилишини таъминласинлар.

7. Техник кўрикдан ўтказишида диагностика станциялари, хусусий техник хизмат кўрсатиш станцияларининг созлиги ҳамда харкатланувчи таъмирлаш ва тузатиш устахоналарининг белгиланган тартибда жихозланганингига алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Туман ИИБ ЙХХГ (А.Тошпўлатов)га:

юридик шахсларнинг транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиши жадвалини тумандаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларга етказиши ҳамда ўз вақтида бажарилиши таъминлаш;

хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари (ТХС) ва тадбиркорлик субъектлари томонидан транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш белгиланган талаблар ва қатъий белгиланган нархлар асосида амалга оширилишини қатъий назоратга олиш юклатилсин.

9. Тумандаги ҳар бир ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари ҳамда шахсий автомашина эгаларига автотранспорт воситаларининг доимий равишида техник жихатдан созлигини таъминлаш ва ўз вақтида техник кўрикдан ўтказиши тавсия этилсин.

10. Бойсун туман ҳокимининг 2019 йил 29 март кунидаги 1226-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


11. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

12. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринbosари Ш.Нормийзиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

А.Жўраев





**Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли
бўлган транспорт воситаларини 2020 йил давомида мажбурий техник
кўриқдан ўтказиш бўйича тузилган комиссияси
ТАРКИБИ**

1. А.Тошпўлатов

Туман ИИБ ЙҲҲГ катта инспектори, комиссия
раиси

Комиссия аъзолари:

2. Ш.Нормўминов

Туман ҳокимининг Саноатни ривожлантириш,
капитал қурилиш, коммуникациялар ва
коммунал хўжалик масалалари бўйича
ўринбосари

3. Б.Акрамов

Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

4. А.Ганиев

Туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

5. Э.Ганиев

Туман Халқ таълими бўлими бошлиғи

6. F.Қобилов

Туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

7. X.Қараев

“Бойсун” газетаси бош муҳаррири

8. X.Назаров

Ўзбекистон “Маҳалла” ХЖФ туман бўлинмаси
раиси

9. Ж.Руҳидинов

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи
“Ватанпарвар” ташкилоти туман ўқув спорт
техник клуби раҳбари

10. С.Равшанов

Туман Йўллардан фойдаланиш унитар
корхонаси раҳбари

11. Б.Девонакулов

“Ўзагросуғурта” АЖ туман бўлими бошлиғи